

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ**  
**ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ**  
**А Ж Р И М И**

2021 йил апрель ойининг “27” куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Олий суд биносида, видеоконференцалоқа режимида ўтказилган очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи-судья: Т.Курбанов,

ҳайъат аъзолари-судьялар: А.Икромов ва Ж.Тиркашевлардан иборат таркибда, Ф.Азимованинг котибалигида, тарафлардан адвокат Т.Шукуров, даъвогар Д.Каримов жавобгар Қашқадарё вилоят Ички Ишлар бошқармаси вакиллари Ш.Неъматов, Э.Нормановларнинг иштирокида даъвогар Достон Қаюмович Каримовнинг Қашқадарё вилоят Ички Ишлар бошқармасига нисбатан хизмат текшируви хулосалари ва буйруқни бекор қилиш ҳамда мажбурий прогул юрган вақтларини иш стажига қўшиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2020 йил 26 октябрдаги ҳал қилув қарори ва Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 17 декабрдаги ажримига нисбатан даъвогар Д.Каримов томонидан берилган кассация шикоятни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И :**

Даъвогар Д.Каримов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Қашқадарё вилоят Ички Ишлар бошқармасига нисбатан хизмат текшируви хулосалари ва буйруқни бекор қилиш ҳамда мажбурий прогул юрган вақтларини иш стажига қўшиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Фуқаролик иши бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 17 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Қарши туманлараро судининг 2020 йил 26 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво аризаси рад этилган.

Суд ҳужжатларига нисбатан даъвогар Д.Каримов кассация тартибидаги шикоят билан мурожаат қилган ва суд қарорларини бекор қилиб, даъво талабларини қаноатлантиришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья Т.Курбановнинг маърузасини ҳамда тарафларни тушунтиришларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра суд ҳужжатларини бекор қилишни ва иш юритишни тугатишни лозим топди.

Аниқланишича, фуқаро Д.Каримов 1984 йилдан ИИБнинг турли лавозимларида, 2005 йилдан Косон туман ИИБ ТБ терговчиси вазифасида хизмат қилиб келган.

Қашқадарё вилоят ИИБнинг 2006 йил 22 сентябрдаги №34-ш/т сонли буйруғига кўра даъвогар Д.Каримов “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар

идораларида хизматни ўташ ҳақида”ги Муваққат Низомнинг 69-моддасига кўра (ички ишлар идоралари ходими номига номуносиб хатти-ҳаракатлар содир этганлиги учун) ички ишлар идоралари хизматидан Куролли Кучлар резервига бўшатишган. Иш берувчининг ушбу буйруғига Қашқадарё вилоят ИИБ томонидан 2006 йил 21 сентябрда ўтказилган хизмат текшируви хулосаси асос қилиб олинган.

Мазкур хизмат текшируви хулосасига кўра, даъвогар Д.Каримов фуқаро И.Мансуровдан унинг укасига ёрдам бериш, қамоққа олиш ва унинг ўзига нисбатан ҳам жиноят иши қўзғатмаслик эвазига 500.000 сўм пул талаб қилиб, ўзининг бу хатти-ҳаракатлари билан “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идораларида хизматни ўташ ҳақида”ги Муваққат Низомнинг 69-моддасига асосан ички ишлар ходими деган юксак номга доғ туширганлиги қайд этилган.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар Д.Каримовга нисбатан 2006 йил 10 октябрда жиноят иши қўзғатилиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 4 октябрдаги ажримига кўра, Д.Каримовга нисбатан жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2006 йил 17 ноябрдаги ҳукми бекор қилиниб, қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми “б” банди ва 209-моддаси 1-қисми билан айбсиз деб топилиб, реабилитация этиш йўли билан оқланган.

Д.Каримовга етказилган мулкий зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 304-312-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф этиш ҳуқуқларига эга эканлиги тушунтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 313-моддасига кўра, реабилитация қилинган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш ушбу бобда белгиланган қоидаларга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, муҳофизат вазири, ички ишлар вазири, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раиси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўмондони томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 311-моддасига кўра, шахснинг меҳнат қилиш, пенсия олиш ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек мол-мулкни қайтариш ёки унинг қийматини тўлаш тўғрисидаги талаби қаноатлантирилмаган бўлса ёхуд шахс қабул қилинган қарорга рози бўлмаса, у тегишли талаб билан даъво ишини юритиш тартибида судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Биринчи инстанция суди томонидан даъвогарнинг талабларини муҳокама қилишда даъвогар Д.Каримов реабилитация қилинганидан кейин

қонун талабларига кўра дастлаб ўзининг тўлиқ ҳуқуқларини тиклаш юзасидан ички ишлар вазирига мурожаат қилмаганлигига эътибор қаратмаган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқиб, даъвогарнинг талаби узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборган деган ноқонуний тўхтама келган.

Ваҳоланки, биринчи инстанция суди томонидан Д.Каримов реабилитация қилинганидан кейин, унинг кейинги ҳуқуқларини тиклаш юзасидан хизматни ўтаб келган соҳа Ички ишлар вазирига мурожаатидан сўнг, унинг ҳуқуқлари тикланмаган тақдирдагина, даъво тартибида судга мурожаат қилиш лозимлигини, мазкур ҳолатда ушбу талаб фуқаролик судига таааллуқли эмаслигига аҳамият қаратмаган.

Ўз навбатида, вилоят суди апелляция инстанцияси ҳам биринчи инстанция тўхтама билан келишиб хатоликка йўл қўйган.

Судлов ҳайъати юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, қонун талаби бўйича Д.Каримов реабилитация қилинганидан кейин қонун талабларига кўра, ўзининг ҳуқуқларини тўлиқ тиклаш юзасидан судга белгиланган муддат доирасида мурожаат этганлигини эътиборга олади.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 419-моддаси 5-бандига кўра, ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни тўлиқ ёхуд қисман бекор қилишга ва аризани кўрмасдан қолдиришга ёхуд иш юритишни тўлиқ ёки қисман тугатишга ҳақли.

Ушбу келтирилган қонун нормалари ва аниқланган ҳолатларни инобатга олиб, судлов ҳайъати суд ҳужжатларини бекор қилишни ва иш юритишни тўлиқ тугатишни, Д.Каримовга даъво аризасида кўрсатилган талаблар бўйича Ички ишлар вазирига мурожаат этиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топади.

Шу билан биргаликда, судлов ҳайъати суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар амалдаги ФПКнинг 132-моддаси 4-бандига асосан суд харажатлари таркибига киритилганлиги боис, ФПКнинг 138-моддасига асосланган ҳолда жавобгар Қашқадарё вилоят Ички Ишлар бошқармасидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига 61.250 сўм ундиришни лозим топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 419-моддаси 5-бандига қўлланиб, судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Мазкур иш юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2020 йил 26 октябрдаги ҳал қилув қарори ва Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 17 декабрдаги ажрими бекор қилинсин.

Даъвогар Достон Қаюмович Каримовнинг Қашқадарё вилоят Ички Ишлар бошқармасига нисбатан хизмат текшируви хулосалари ва буйруқни бекор қилиш ҳамда мажбурий прогул юрган вақтларини иш стажига қўшиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан юритилган фуқаролик тартибида иш юритиш тугатилсин.

Кассация шикоятни қисман қаноатлантирилсин.

Даъвогар Достон Қаюмович Каримов даъво аризасида кўрсатилган талаблар бўйича Ички ишлар вазирига мурожаат этиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Жавобгар Қашқадарё вилоят Ички Ишлар бошқармасидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига (олувчи: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, манзили: 100186, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй, шахсий ҳисоб варағи: 401410860262777950100011001, СТИР: 200936561, ғазна ҳисоб рақами: 401 410 860 262 777 033 210 011 001, банк: МБ ББ ҲККМ Тошкент шаҳри, МФО: 00014, СТИР (ғазна): 201122919 реквизитлари бўйича) суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар учун 61.250 сўм сўм ундирилсин.

Раислик қилувчи /имзо/ Т.Курбонов

ҳайъат аъзолари /имзо/ А.Икромов

/имзо/ Ж.Тиркашев

Аслига тўғри, судья: \_\_\_\_\_ Т.Курбанов